

**“Тасдиқлайман”**  
**“Ўрмонқурилиш” ДУК директори**  
**Б.Сафаров**  
«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022й.



Тошкент вилояти “Далварзин” давлат ўрмон хўжалигида сув насосини ўрнатиш объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги шаҳарсозлик хужжатлари экспертизасидан экспертиза хулосасини олиш билан биргаликда:

Худуднинг топографик тасвирларини олиш (зарур бўлганда) гидрогеология ва геология ишлари.

### ЭЪЛОН

#### 1. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот:

##### 1). Ишлар, хизматларнинг батафсил тавсифи ва нархи:

Объектнинг номланиши	Тошкент вилояти “Далварзин” давлат ўрмон хўжалигида сув насосини ўрнатиш объекти
Иш тури	-Объектнинг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ... -Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги шаҳарсозлик хужжатлари экспертизасидан экспертиза хулосасини олиш билан биргаликда; -Худуднинг топографик тасвирларини олиш (зарур бўлганда) гидрогеология ва геология ишлари.
Бажараладиган иш турининг қиймати ҚҚС қўшилган ҳолда	18 204 000 (ўн саккиз миллион икки юз тўрт минг) сўм
Бажариш муддати	10 (ўн) календар кун

2). Танлов ўтказиладиган жой манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Дўрмон йўли 2А-уй.

3). Танлов иштирокчилари таклифларида тасдиқланган қуйидаги хужжатларни (электрон шаклда [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) порталида белгиланган тартибда) тақдим этишлари шарт:

- танловда иштирок этиш учун ариза (1-шакл);
- танлов иштирокчисининг кафолат хати (2-шакл);
- танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот (3-шакл)
- танлов иштирокчисининг тижорат (нарх электрон шаклда) таклифи (5-шакл);
- лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларининг умумий жадвали (6-шакл);
- танлов иштирокчисининг рўйхатдан ўтганлиги (регистрация) тўғрисидаги хужжат нусхаси;
- танлов иштирокчисининг лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқишга тегишли лицензиясининг нусхаси (суб пудрат ташкилоти жалб этилганда уларнинг ҳам);
- танлов иштирокчисининг объект билан танишганлиги тўғрисида далолатнома (ГИП, ГАП ва фойдаланувчи ташкилот масъуллари билан биргаликда);

**4).Иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун белгиланган шахслар:**

- Шухрат Исламов - Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик шартнома муносабатлари бўлими бош мутахассиси, тел.: 97-462-72-00;

- Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли 2А-уй.

**5).Танлов ҳужжатлари қоидаларини изоҳлаш учун сўров бериш:** Кўрсатилган телефон рақамлари ва ёки электрон почта орқали Электрон манзил: [urmonqurilish@urmon.uz](mailto:urmonqurilish@urmon.uz)

**6).Таклифларни бериш муддатлари тугайдиган сана ва вақти:** Эълонга берилган санадан бошлаб 5 иш кун.

**7).Танлов таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар:**

- Танлов иштирокчиларининг техник ҳужжатлари эълонда белгиланган тартиб асосида танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган (талабларга асосан электрон равишда муҳрланган ҳужжатларини) тақдим этилади (PDF форматда электрон жойлаштирилади) (эълонда келтирилган иловалар бўйича).

- Танлов иштирокчиларининг ҳужжатларини, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки ҳужжатларини ҳар бир варағи имзоланган ҳолда (электрон кўринишда PDF форматда ) жойлаштириш тавсия этилади.

- Танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;

- Танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;

- Танловга таклифларни қабул қилиш чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

**2.Бажарилган (иш, хизмат) учун тўлов сўмда амалга оширилади.** Шартнома имзоланганидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик рўйхатидан ўтгандан сўнг 30% миқдорида аванс тўланади. Қолган 70% тўлов бажарилган ишлар ҳисоб-фактураси тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

**3.Танловда иштирок этиш учун таклиф ўзбек тилида тайёрланиши лозим.**

**4.Танлов иштирокчиларига танлов қоидаларига доир тушунтиришлар эълон жойлаштирилган санадан бошлаб юборилган ҳамда таклифлар бериш муддати тугайдиган санага камида 2 (икки) кун олдин келиб тушган сўровларга жавоб юборилади** (электрон манзил орқали [urmonqurilish@urmon.uz](mailto:urmonqurilish@urmon.uz)

**5.Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда харид комиссияси бунда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танловда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.**

**6.Танловда қатнашиш учун талабгорга қуйидаги малака талаблари қўйилади:**

- Шартнома бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларининг мавжудлиги;

- Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб таомилларининг мавжуд эмаслиги;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

- Танловда қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

**7.Ишнинг , хизматнинг муқобил вариантларига йўл қўйилмайди.**